

ТОСПОВИРУСЛАР ТАВСИФИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

Зарифа Носировна Қодирова

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,

Тошкент вилояти

zarifakodirova@yahoo.com

АННОТАЦИЯ

Тосповирус гурухларини ўрганишга барча ривожланган мамлакатларда катта аҳамият берилмоқда, чунки улар кенг қамровли қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали дараҳтлар, узум ва гулларни касаллантириб қишлоқ хўжалигига катта зарап келтиради. Тосповирусларларнинг хўжайин ўсимликлари ва улардаги касаллик аломатлари, ташувчи векторлари, геномининг тузилиши ва диагностикаси ҳақида малумотлар берилган.

Калит сўзлар: тосповирус, трипс, *N. benthamiana* ўсимлиги, иммунострип анализи, полимераза занжир реакцияси

ABSTRACT

The study of tospovirus groups is of great importance in all developed countries, because they cause great damage to agriculture by infecting a wide range of agricultural crops, fruit trees, grapes and flowers. This article provides information on the host plants of tospoviruses and their disease symptoms, carrier vectors, genome structure and diagnostics are given.

Keywords: tospovirus, thrips, *N. benthamiana* plant, immunostrip analysis, polymerase chain reaction

КИРИШ

Сўнгти йилларда ўсимлик вирусларининг тосповирус гурухларини ўрганишга барча ривожланган мамлакатларда катта аҳамият берилмоқда, чунки улар кенг қамровли қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали дараҳтлар, узум ва гулларни касаллантирадилар [1]. Сўнгти йилларда турли мамлакат ларда қишлоқ хўжалик экинларини тосповируслар билан касалланиши, уларнинг салбий оқибатларига тааллуқли ахборотлар йиғилди. Тосповируслар жуда агрессив ўсимлик вируслари доирасига кириб, дунё бўйича улардан келадиган зиён йилига 1 триллион АҚШ долларини ташкил этади[2].

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тосповируслар биринчи марта 1915 йили Австралияда аниқланган бўлиб, 1990 йилга қадар олимлар бу вируслар шу қадар кенг кўламли ўсимликларни касаллантириши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Тосповирус сўзи (*tomato spotted wilt virus*) сўзидан келиб чиқсан бўлиб, морфологик ва геном жиҳатдан ўхшаш вируслар шу гурухга, яъни *tospovirus* туркуми ва *Bunyaviridae* оиласига жамланди. Сўнгги 20 йил ичидаги дунё бўйича турли оилаларга мансуб ўсимликларни касаллантирувчи тосповируслар ўрганиб чиқилди, баъзи тосповируслар жуда кенг тарқалган бўлиб, баъзилари бир нечта мамлакат орасида чегаралангандар. Масалан, *tomato spotted wilt virus* - помидорнинг доғланиб сўлиш вируси (ПДСВ) дунё бўйича кенг тарқалган бўлиб, сабзавот экинлари ва гулларни касаллантириши Шимолий ва Жанубий Америка, Европа, Осиё ва Австралияда қайд этилган[3]. *Peanut Bad Necrosis virus* (*Bad Necrosis virus* деб хам аталади) иқтисодий ўта хавфли вирус ҳисобланиб, Хиндистон далаларида кенг тарқалгандир. Шунга ўхшаш *Impatiens Necrotic Spot Virus* (INSV) Шимолий Америка ва Европанинг бир нечта мамлакатларида қайд этилган.[4]. Сўнгги йилларда *Iris Yellow Spot virus* Шимолий ва Жанубий Америка, Европа ва Хиндистонда, шунингдек Тоҷикистонда пиёз экинларини касаллантириши қайд этилди. *Carsicum Chlorosis Virus* (CaCV) Осиёнинг кўпчилик мамлакатлари ва Австралияда помидор, булғор калампири ва ловияни касаллантириши аниқланди. Шундай килиб, чоп этилган турли маълумотларнинг тахлили тосповируслар ўз ватанларидан турли йўллар билан чиқиб географик кенгликда тарқалаётгани маълум бўлди. Шунингдек, тосповируслар тезлик билан янги экосистемага мослашиб, кенг кўламдаги ўсимликларни, шунингдек бегона ўтларни касаллантиради[5]. Тосповируслар геномининг тузилиши. Тосповируслар полеоморфик тузилишга эга бўлиб, диаметри 80-110 нмни ташкил этади, у 3 қисмга бўлинган катта (L), ўртача (M) ва кичик (S). Ҳар қайси бўлакда РНК бўлиб, бу 3 РНК геноми нуклеокапсид оқсилилари билан индивидуал ўралгандир, улар биргаликда липидли мембранага конвертланган ва вирус бўлакчаси шаклини олган, конвертли мембрана вируснинг геномик материалини ҳимоялаш вазифасини бажаради. Ушбу учта геном сегментлари қўшимча конверт ичидаги ҳар бир вирус бўлакчаси бир нечта репликация оқсилини сақлади, репликация янги хужайра организмида вирус репликациясига жавобгардир. Ҳар бир вирус бўлакчаси 2 та гликопротеиндан иборат бўлиб, улар мембранинг юза қисмида жойлашган ва вирус бўлакчасини ўраб туради. Бу гликопротеинлар ўз ўлчамлари таркибида шакар билан фарқланиб, вируснинг

ҳаёт циклининг турли фаолиятларида муҳим ўрин тутади, масалан, вирус ҳужайрага кирганда ва ҳашорат орқали юқтирилганда. Шундай қилиб, тосповирус бўлакчалари гибрид тузилишга эга бўлиб, оқсил ва РНК геномидан ва вирус гликопротеинлари ҳамда липид таркиби, мемранадан иборат бўлиб, бошқа фитовирусларга нисбатан мураккаб тузилишга эгадир. Тосповирусларнинг тарқалиши. Тосповирусларнинг табиатда тарқалиши, яъни касал ўсимликдан соғлом ўсимликка юқиши полифаг бўлмиш трипсларнинг бир неча турлари орқали амалга ошади. Бу вируслар уруғ орқали юқмайди. Трипслар жуда майда ҳашоратлар бўлиб, уларнинг узунлиги атиги 1 мм атрофида бўлади. Шу сабабли, уларни далада ёки ўсимлик меваларда ёки гулларда аниқлаш анча мушкулдир, натижада, улар мевалар орқали ўз ватанларидан бошқа жойларга кенг тарқаб кетган. Трипсларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши, тосповирусларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда ва тосповируслар илгари қайд этилган регионларда ҳам кенг тарқала бошлади. Трипсларнинг 12 хил тури тосповирусларни тарқатувчи “вектор” лар деб қайд этилган бўлиб, трипсларнинг бир тури бир нечта тосповирусини ташувчиси эканлиги қайд этилган ва шунингдек бир тосповирус бир неча трипс турлари орқали тарқалади. Трипсларнинг 4 хил группага таълуқлиси вирусларни ташувчилардир. Улар *ilar viruses*, *some viruses*, *carmo viruses* ва тосповируслар [6]. Буларнинг Зта гуруҳи гулчанг ва трипс орқали тарқалувчи вируслар бўлиб, трипс касал ўсимлик гулчанги орқали озиқланганда, сўнг соғлом ўсимлик билан озиқланганда вирусни юқтиради. Барча трипслар ҳам тосповирусларни ташиш қобилиятига эга эмас, ҳозиргача дунё бўйича 5.500 трипс тури аниқланган бўлса, улардан 12 тури (яни 0,16%) турли хил тосповирусларни ташишувчиси эканлиги қайд этилган. Тосповируслар ўсимлик вирусларининг шундай бир кичик гуруҳига кирадики, улар ҳам ўсимлик ҳужайоасида ҳам трипс организмида кўпаяди.

Тосповируслар диагностикаси. Тосповируслар ўсимлик шираси орқали юқтирилганда, бир қатор индикатор ўсимликларда ўзига хос касаллик аломатларини ривожланиши кузатилади. Бу вирусга сезгир индикатор ўсимлик тамакининг *Nicotiana bentamiana* нави бўлиб унда касаллантирилган баргларда некротик доғланиш кузатилди. Шунингдек “Agdia” фирмасида ишлаб чиқилган иммунострип (immunostrip) мембаналари ва ПЦР диагностикаси ёрдамида тосповирусни помидор меваларида аниқланди.



1-расм. Сабзавот экинларида вирус касалликлари аломатлари.

А, Б - бақлажоннинг ПДСВ билан касалланган барги ва меваси; В, Г - помидорнинг ПДСВ билан касалланган барги ва меваси; Д, Е - БМВ билан касалланган бодринг барги ва меваси (Расмлар муаллиф томонидан олинган).

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Ўзбекистонда илк бор *tomato spotted wilt virus* - помидорнинг доғланиб сўлиш вируси (ПДСВ) помидор меваларида ва ўсимлигига, бақлажон ҳамда бодринг ўсимликларида индикатор ўсимликлар, иммунострип ва ПЗР усусларида аниқланди.

REFERENCES

1. Sherwood, J.L., T.L. Cerman, J.W.Moyer, D.E. Ullman and A.E. Whitfield, (2000). Tospoviruses. In:Encyclopedia of Plant Pathology, O.C.Maloy and T.D.Murray (eds), pps. 1034-1040 New York
2. Whitfield, A.E. D.E. Ulman and T.L. German, (2005). Tospovirus-Thrips Interactions. Annual Review of Phytopathol. 43: 459-489.
3. Naidu, R.A. Adkins, K.S.Ravi, P.Chiemsombat, R.K. Jain, H.S. Savithri, O. Gajanandana, V. Muniyappa, and D.J. Riley(2003). Epidemiology of Tospoviruses in South and Southeast Asia: Current status and future prospects. Jornual of Insect Science 7, no. 28, pp. 49. 2007
4. Ullman, D.E., R.Meideros, L.R.Campbell, A.E.Whitfield, J.L.Sherwood and T.L. German (2002).Thrips as vectors of tospoviruses. Advances in Botanical Research. R. Plumb(ed), pp. 113-140. (Academic Press: San Diego)
5. Mound, L.A.(1997) Biological diversity. In: Thrips as Crop Pests. Lewis T (ed), pp. 197-215. Wallingford, UK:CABI.
6. Jones, D.R. (2005). Plant viruses transmitted by thrips. European Journal of Plant Pathology 113: 119-157.